# ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XIII СЪЕЗДИДА

ПАТНА (Бихар штати), 14 март. (ТАСС). Ҳиндистон Компартиясининг бу ерда ўтаётган XIII съездида ҳисобот доклади ва сиёсий резолюция лойиҳаси юзасидан музокаралар давом этмоқда. Кеча кечқурунги мажлисда чет эл делегациялари вакилларининг табрик нутқлари бошланди. Анжуман қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган КПСС делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. Н. Демичев нутқ сўзлади. У съезд делегатларига ва улар орқали барча ҳинд коммунистларига КПСС Марказий Комитетидан ва 19 миллион совет коммунистларидан самимий салом ва эзгу истаклар топширди.

Ҳинд коммунистлари, деди у, ишчилар синфи, меҳнаткашлар оммаси турмушида чуқур илдиз отган таъсирчан миллий куч сифатида ўзларини намоён этдилар ва намоён этмоқдалар. ҲКП Миллий Кенгашининг ҳисобот докладида ҳозирги халқаро вазиятнинг таҳлили КПССнинг позицияларига ҳамоҳангдир. Миллий Кенгаш Бош секретари Ч. Ражешвара Рао бошчилигидаги ҲКП делегацияси КПСС XXVII съездининг ишида иштирок этди. Ўртоқ Рао съездда сўзлаган нутқида уни тарихий, жаҳоншумул аҳамиятга эга воқеа, деб баҳолади. Биз Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатига юксак баҳо берилганлиги учун, КПСС съезди ўртага қўйган халқаро хавфсизликнинг кенг кўламли системасини яратиш ғояларини, Совет Иттифоқининг бошқа тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаганлиги учун партиянгизга самимий миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Совет Иттифоқи, деди КПСС делегациясининг бошлиғи, ялпи тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига Ҳиндистон, унинг Бош министри Р. Ганди бошлиқ ҳукумати қўшаётган ҳиссани юксак қадрлайди. Бизга дўст Ҳиндистон жаҳон ишларида тобора салмоқли роль ўйнаётган кучли ва гуллаб-яшнаётган давлат бўлишидан астойдил манфаатдормиз. Совет—Ҳиндистон дўстлиги империализмга, янги мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши курашда мамлакатларимиз халқларининг умумий манфаатлари билан метиндек мустаҳкамланган. Бу дўстлик ва ҳамкорлик Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлиб, бу омилнинг аҳамияти мунтазам ошиб бормоқда.

Совет коммунистлари Ҳиндистон Компартиясининг тинчлик учун, урушга қарши актив кураш олиб бораётганлигини юксак қадрлайдилар, — деб таъкидлади П. Н. Демичев. Биз қардош Ҳиндистон Коммунистик партиясига, бутун ҳинд коммунистларига, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун, омма орасида, барча демократик ва миллий ватанпарвар кучларнинг мамлакатнинг миллий мустақиллиги, бирлиги ва территориал бутунлигини мустаҳкамлашга оид биргаликдаги куч-ғайратларида партиянинг таъсирини кучайтириш учун, Ҳиндистонни демократия ва социал-тараққиёт йўлидан ривожлантириш учун олиб бораётган курашида чин дилдан муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС делегациясининг бошлиғи ўз нутқининг охирида КПСС Марказий Комитетининг Ҳиндистон Компартияси XIII съездига табрикномаси текстини ўқиб эшиттирди. Табрикнома делегатларнинг давомли қарсаклари билан кутиб олинди. П. Н. Демичев XIII съездга КПСС Марказий Комитетидан эсдалик совғаси — белоруссиялик моҳир усталар тўқиган В. И. Ленин расми туширилган гиламни туҳфа этди.

ҲКП съезди партиявий ва бошқа қарашлардаги тафовутлардан қатъи назар барча ҳиндларга, тинчлик учун, ва инсониятнинг ядро урушида қирилиб кетишининг олдини олиш учун курашаётган барча кишиларга мурожаат қилиб, уларни АҚШ империализми авж олдирган ядровий қуролланиш пойгасига зарба беришга даъват этди. Съездда қабул қилинган резолюцияда термоядро ҳалокати хавфи ҳозирги кунда ҳар қачонгидан кўра аниқ бўлиб қолганлиги уқтириб ўтилади. Пентагон амалга ошираётган «самовий урушлар» программаси ядро хавфини реал қилиб қўйди. Вашингтон ядро синовларини тўхтатишдан, шунингдек, ядровий, химиявий ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини ишлаб чиқариш ва жойлаштиришдан бош тортганлиги халқаро вазиятни жиддий равишда кескинлаштириб юборди.

ҲКПнинг XIII съезди М. С. Горбачев КПСС XXVII съездига КПСС Марказий Комитети номидан қилган Сиёсий докладда ўртага қўйилган Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббусларини табриклайди. Ядро қуролини батамом тугатишнинг конкрет босқичма-босқич программаси бутун дунёдаги барча тинчликсевар ва урушга қарши ҳаракатларга янги умид, ишонч ва қатъият бағишлади. ҲКП съезди халқаро хавфсизликнинг кенг кўламли системасини яратишга доир, Осиёда тинчлик ва ҳамкорлик учун, ҳукуматлар ўртасида, жумладан ядро қуролига эга бўлган бешта буюк давлат ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида мулоқотлар бошлаш учун, иқтисодий хавфсизлик проблемаларига бағишланган жаҳон конгрессини чақириш учун ҳукуматлар, партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари ўртасида ҳамкорлик соҳасида М. С. Горбачев ўртага қўйган таклифларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини изҳор қилади.

ҲКПнинг XIII съезди СССРнинг шу йил 15 январдаги тинчлик таклифларига ва КПСС XXVII съездида олға сурилган ташаббусларга ижобий жавоб қайтаришдан бош тортаётган АҚШ маъмуриятининг сиёсатини қоралайди. Вашингтоннинг «неоглобализм» доктринаси ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган барча мамлакатлар ва халқларга хавф солмоқда. Осиё Ҳинд океанида ўзининг ҳарбий иштирокини кучайтираётган АҚШ «неоглобализм» сиёсатининг бевосита нишони бўлиб қолмоқда.

ҲКП Ҳиндистоннинг тинчлик ва қўшилмаслик, империализмга қарши, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик, империалистик беқарорлик сиёсатига қарши кураш олиб бораётган миллий озодлик ҳаракати билан, барча давлатлар билан бирдамлик принципларига асосланаётган ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини изҳор қилади. Ҳиндистон Компартияси жамоатчилик фикрини ташқи ва ички реакция кучларига қарши курашга сафарбар этиш учун барча ишларни қилади. Съезд ҳамма коммунистларни ва партия тарафдорларини Осиёда тинчлик ва хавфсизликни ҳимоя қилиш учун, Совет Иттифоқи билан бирдамлик ва дўстлик учун, 2000 йилга бориб жаҳонни ядро қуролидан халос этиш учун биргаликдаги ҳаракатларни активлаштиришга даъват этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро тинчлик йили деб эълон қилган 1986 йил ядро қуролини тугатиш 15 йиллик программасини амалга оширишнинг бошланиши бўлиб қолиши керак, деб таъкидланади резолюцияда.

## ПАХТАКОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

# МАВСУМГА ШАЙМИСИЗ?

◆ СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ КУТИЛАЁТГАН БУ ЙИЛГИ ШАРОИТДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ КЎРАЙЛИК. ◆ МИРИШКОР ДЕҲҚОН ҲОЗИРДАНОҚ ЧИГИТНИ ЎЗ НАМИГА УНДИРИБ ОЛИШ ЧОРАСИНИ КЎРИБ ҚЎЯДИ. ◆ УРУҒНИ ОБИ-ТОБИДА, СИФАТЛИ ЭКИБ ОЛИШ АЙНИ КУНЛАРДАГИ ТАЙЁРГАРЛИККА БОҒЛИҚ. ◆ ДАЛА ИШЛАРИ ЖОНКУЯРЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ.

КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди республикамиз деҳқонлари олдига конкрет вазифалар қўйди. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида 1990 йилда пахта толаси етиштириш 1,8—1,93 миллион тоннага, шу жумладан ингичка толали пахта толаси етиштириш камида 154 минг тоннага етказиш вазифаси қўйилган. Кўриниб турибдики, планлар тиғиз. Уларни бажариш кўп жиҳатдан пахтакорларнинг беш йилликнинг дастлабки йилида қандай ишлашларига ва қандай маром олишларига боғлиқ.

Тўғри, республикамиз агросаноати хўжаликларида кузги-қишки ойларда ва баҳорнинг шу илк кунларида муайян ишлар амалга оширилди: аксарият экин майдонлари, уруғлик ва техника воситалари тайёрлаб қўйилди. Ирригация системалари, ариқ-зовурлар тартибга келтирилди. Шўрланган ерлар ювилди.

Бугунгача республикамизда 2,5 миллион гектар ер (бунинг 95 проценти икки ярусли плуглар билан) шудгордан чиқарилди. Ҳайдов олдидан 800 минг гектар майдонга фосфор, 600 минг гектар майдонга калий, 500 минг гектар ерга органик ўғитлар солинди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон АССРда 200 минг гектар, Хоразм областида эса 100 минг гектар ер ҳануз шудгор қилинганича йўқ. Бу ҳол хўжаликларда экин-тикин ишларининг кечикиб кетишига сабаб бўлиши табиий.

Шудгорда кесак кўчиш ҳолларига йўл қўйилиши — шу йилги асосий камчиликлардан бири. Чунки ёғингарчилик ва совуқ кам бўлган бу йилги шароитда катта-катта майдонларда нам кўтарилиб кетиб, йирик кесаклар сақланиб қолди. Эндиликда уларга қарши курашишда бороналаш, культивация ўтказиш ёки молалаш ёрдам бермайди. Ягона йўли — палахсаларни суғориш орқали йўқотиш, холос. Бу йўл эрта баҳордаёқ уруғни ўз намига ундириб олиш имконини ҳам беради.

Ишда шудгор технологиясига қатъий амал қилиш — ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун тупроқ қатламини 50—60 сантиметр чуқурликда уваланиб кетгунга қадар ағдаришда плантажли плуглардан фойдаланиш лозим. Бунда тупроқ структураси яхшиланади, шўр ювиш самарадорлиги ошади, ҳосилдорлик кўтарилади. Шунингдек, бегона ўтларга қарши курашишда ҳам энг қулай йўл шу технологиядир: унинг уруғлари тупроқнинг чуқур қатламларига тушиб чирийди. Қолаверса, далалар бир текис тозаланади. Сирдарё, Наманган областларининг кўпгина хўжаликларида шудгорлашнинг шундай усулига амал қилиняпти. Республикамизнинг шимолий районлари (айниқса баҳорги шудгорга кўпроқ майдон қолдирган хўжаликлар) бу илғор тажрибадан ибрат олишлари керак.

Деҳқончилик маданияти комплекс механизацияга халақит берувчи бегона ўтлардан далаларни тозалаш даражаси билан ҳам белгиланади. Уларга қарши курашни униб чиқаётган чигитни бўға бошлаганда эмас, аксинча шу кунларда, баҳорги шудгор давридаёқ бошлаш керак.

Бироқ ерни чуқур ҳайдаш технологияси ҳали ҳамма жойда ҳам кенг қўлланилаётгани йўқ. Натижада, чигит баъзан тупроқ остига — бегона ўтлар уруғи билан бирга тушиб қолмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёввойи ўтларга қарши курашда уруғ сифатига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Тан олиш лозим, бизда уруғлик сифати ёмон. Уруғчилик хўжаликлари деҳқончилик учун қулай зоналарда, яхши майдонларда жойлаштирилмаган. Колхов ва совхозларда уруғликларни узоқ сақлаш учун намунали жиҳозланган бинолар етишмайди. Ҳолбуки, деҳқонлар уч йил сақланган уруғликни сара уруғ деб тан олишади.

Сифатли уруғ тайёрлаш борасида Қорақалпоғистон АССР ва Сирдарё области раҳбарларининг эътиборсизлигини айтиб ўтмоқ жоиздир. Ҳар иккала областда уруғлик тозалаш планлари бугунгача ҳам бажарилмади. Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм областларида экилиши мўлжалланган уруғликларни туксизлантириш ва дорилаш ишлари асоссиз чўзилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг махсус қарори билан сортларни жойлаштириш масаласи аллақачон қатъий ҳал этилган бир пайтда, айрим областларнинг агросаноат комитетлари тавсия этилган сортларга нисбатан толасининг технологик сифати ёмон уруғликларни кўплаб экишни режалаштирмоқдалар. Бундай фактларни Бухоро, Андижон, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона областлари хўжаликларида учратиш мумкин. Республика Давлат агросаноат комитети бундан буён сортларни жойлаштириш бўйича белгиланган планларнинг бузилиш ҳолларига қатъий чек қўяди. Келиб чиқиши номаълум бўлган уруғликларнинг ташилишига йўл бермайди. Бир хўжаликда — битта, районда — иккита, областда эса уч-тўртта нав пахта чигити экиш қоидасига амал қилиниши керак.

Уруғнинг вақтида униб чиқишида кўпроқ тупроқ ҳарорати муҳим аҳамиятга эга. Уни эрта экиш мумкин бўлмаганидек, кеч экишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Кўп йиллик тажрибаларнинг кўрсатишича, ерга уруғ қадаш муддати республикамизнинг жанубий зоналарида 25 мартдан бошланиши лозим. Оммавий суратда апрель ойининг биринчи ярмида бошланади. Энг шимолий зона (Қорақалпоғистон АССР)да бу ишни 20 апрелдаёқ тугатиш лозим. Такрор айтамиз: экиш муддатлари белгиланаётганда тупроқ ҳарорати, албатта, ҳисобга олиниши керак.

Кучли шамол эрозияси мавжуд бўлган зоналардагина, масалан Фарғона водийси районлари группасида чигит экиш бир оз кечроқ ўтказилиши мумкин. Бироқ бунда «С-4727» ва «Тошкент-6» сингари тезпишар навлар экилиши шарт.

Ҳозир республикамиз пахтачилик хўжаликлари чигит экиш ишларини 6—8 иш кунидаёқ тамомлашга қодир техника воситаларига эга. Ўтаётган ойнинг биринчи ярмига қадар областларда барча экиш техникалари ремонтдан чиқарилди. Наманган, Андижон, Сирдарё, Фарғона областларида машиналар тайёргарлик чизиғига келтирилиб қўйилди. Бироқ Қашқадарё, Бухоро, Жиззах областларида эса ремонт ишлари сифати талаб даражасида эмас. Уларда тракторларнинг умумий тайёргарлик даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан паст.

Республикамизда бу мавсумда кунига 290 минг гектар ерга уруғ ташлаш имкони бор. Чунончи, мавсумда 34655 та экипаж ишлайди. Уларнинг ҳаммаси ҳар жиҳатдан тўла бутланади. Қишлоқ ҳунар-техника билим юртларини битирувчи механизаторлар ёрдамга келади. Экиш агрегатлари бир ярим сменада ишлай бошлайди.

Шу кунларда механизаторлар янги техника воситалари, чунончи «СХУ-4» сеялкаси билан танишмоқдалар. Уни кенг ва самарали қўллаш далаларнинг пух та тайёрланиши ва тупроқнинг етилишини талаб қилади. Токи, сеялка тишлари уруғликни тупроқ остига бир текис ташлаб ўтсин.

Яна бир муҳим вазифа хусусида. Агросаноат тармоқлари ташкил этилаётган чоғда кўпгина муҳим вазифалар қатори шундай вазифа ҳам қўйилган эди: дала ишларининг бир босқичи тугаши билан дарҳол техника ремонтига киришиш лозим. Зеро, барча йирик машина-трактор паркларини вақтида тайёрлашга эришган хўжаликларгина навбатдаги агротехника тадбирларини ҳам муваффақиятли ўтказишлари мумкин.

Чигит экишни оптимал муддатларда ўтказиш учун хўжаликларда аввало озуқа экинлари экишни қисқа муддатда туғалланишига эришмоқ керак. Шу йўл билан чигит экишда техникадан кўпроқ ва самаралироқ фойдаланишга имкон яратилади. Кейинги пайтларда пахта-беда алмашлаб экишга катта эътибор берилаётганлиги туфайли озуқа экинлари майдони кўпайиб бормоқда. Агар ўтган йили республикамизда 591 минг гектар ерга беда экилган бўлса, бу йил шундай майдонларни 624 минг гектарга етказиш мўлжалланяпти.

Балиқчи, Ғузор районлари ва Сирдарё, Наманган областлари хўжаликларида озуқа экинлари экиш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Шу билан бирга бу борада Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент областларида сусткашликка йўл қўйилаётир. Бу озуқа етиштиришгагина таъсир этиб қолмай, балки чигит экишни ўз вақтида, сифатли ўтказишга ҳам салбий таъсир этиши мумкин.

Пахта комплексида озуқа экинларини кўпайтириш чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам имкон беради. Пахтачилик ва чорвачиликни интенсивлаш учун пахта — беда алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш муҳимдир. Бироқ республикамизда ҳозир пахта — беда алмашлаб экиш 74,6 процентни ташкил этади, холос.

Ҳозир алмашлаб экишнинг аҳамияти ҳаммага маълум. Бироқ шундай хўжалик раҳбарлари ҳам борки, улар оғизда алмашлаб экишни ёқтирадилар-у, амалда беда экишни намунали йўлга қўйиш ҳақида ўйламайдилар. Уларнинг баъзилари озуқа экиладиган майдонларни кенгайтириш пахтачиликда сув балансини издан чиқариб юборади, деб ҳисоблашади. Бу мутлақо нотўғри. Чунки республикамизда сувдан фойдаланиш плани ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳар йили янгиланиб туради. Бу план ҳар бир хўжаликка етказилган. Унда суғориш учун зарур бўлган сув миқдори ҳам, сувнинг умумий йўқотилиш даражаси ҳам ҳисобга олинган.

Дастлабки маълумотларга кўра бу йил сув танқислиги кузатилмоқда. Шундай ҳолат 1982 йилда ҳам юз берган эди. Ўшанда республикамиздаги барча районлар сув танқислигини бошдан кечирганди. Ҳозир сув танқислигини камайтиришга қаратилган қатор тадбирлар кўрилмоқда. Бу борада хўжаликларда ҳам оқилона иш юритиш катта аҳамиятга эга. Аввало, суғоришни сизот сувларининг жойлашишини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб ўтказиш керак. Сувдан фойдаланиш ва пушталарни шакллантириш бўйича СоюзНИХИ олимлари ишлаб чиққан тавсиялардан фойдаланиш мумкин. Бу тавсияларга тўла амал қилиш ва улардан ҳар бир зонанинг шароитини ҳисобга олган ҳолда ижодий фойдаланиш муҳимдир.

Сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга унча эътибор берилмади. Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўлларида бўлган киши қордек оппоқ, шўр ерларни кўплаб учратади. Амударёнинг қуйи оқимида ҳам шундай манзарани кўриш мумкин. Қорақалпоғистонда сизот сувлари кўтарилиб кетди. Аҳволни яхшилаш учун биринчи навбатда коллектор-дренаж тармоқларини тартибга келтириш зарур. Улар қатор йиллардан бери тозаланмаган, кўп қисми ёмон ишлайди ёки умуман ишламайди. Бу республика Давлат агросаноат комитетининг жойлардаги органлари, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва асосан Главсредазирсовхозстройнинг айбидир. Мазкур идора ўзлаштирилаётган ерлар ҳажмини кўпайтиришга берилиб кетиб, иш сифатини унутиб қўйди. Натижада, қатор нохуш оқибатлар келиб чиқди. Масалан, биргина Сирдарё областида 18 минг гектардан зиёд ер қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолди. Шундай қилиб, бир томондан ерлар ўзлаштириляпти-ю, иккинчи томондан у ишдан чиқмоқда.

Яна бир муаммо. Биологик дренажлар ҳисобланган терак, акация, мажнунтол сингари дарахтлардан иборат ҳимоя зоналари яратишга кам эътибор беряпти. Бу дарахтлар тупроқнинг қуйи қатламидан насос каби сувни тортиб олади. Натижада сизот сувлар пасаяди. Демак, юқорида айтиб ўтилган дарахт — ҳимоя зоналари барпо этишга ҳозироқ киришиш лозим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, сув танқислигига қарши курашга катта эътибор бериш талаб этилади. Ғўза экиладиган ерлардаги тупроқнинг 30 сантиметр қатламидаги нам 40—60 процентни ташкил этади. Ғўза вегетацияси даврида Қорадарё, Зарафшон, Чирчиқ, Қашқадарё, Косонсойда сув кам бўлиши кутиляпти. Шу туфайли ҳозирданоқ тупроқдаги намни иложи борича сақлашга эришиш, оқар сув манбаларининг ҳаммасидан тежамкорлик билан фойдаланиш муҳимдир.

Ҳар бир хўжаликда ғўзаларни қийғос ундириб олиш учун нам етарли бўлмаган майдонларни ҳозирданоқ аниқлаш ва тез кунларда бу ерларда запас суғориш ўтказиш керак.

Чигит пуштага экиладиган майдонларни иложи борича кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, пуштада нам узоқ сақланади, тупроқ яхши қизийди, ёғингарчилик бўлгудек бўлса, сув ариқларга оқиб кетади ва қатқалоқнинг олди олинади. Буларнинг ҳаммаси уруғни тез, тўла ундириб олишга ёрдам беради, бинобарин, ўсимликни илдиз чириш касаллиги билан зарарланишининг олдини олади.

Бу йил 270 минг гектар ерга чигит пуштага экилади. Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон областларида чигитни пуштага экиш учун тайёргарлик тугалланмоқда. Аммо Тошкент, Фарғона, Навоий областларида бу фойдали усул афзаллигига етарли баҳо берилмаётир.

Вазифа чигит экишни қисқа муддатда, сифатли адо этиб, уруғни тўла ундириб олиш ва мўл, эртаги «оқ олтин» етиштиришни таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун экиш экипажларини ҳозирданоқ тўла бутлаш, областлар, районлар ва хўжаликларда ўтказиладиган кўрик-семинарларда механизаторлар, сеялкачилар, мутахассисларни илғор тажрибалар билан таништириш, уларни янги техника воситалари билан ишлашга, прогрессив технологияларни қўллашга ўргатиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**«ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари учун «Гулистон» журнали Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри.
1986 йил 14 март.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги учун «Гулистон» журнали бўлимининг катта редактори ўртоқ Анвар **Саидумаровга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

«Гулистон» журналининг ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг масъул ходими ўртоқ Лидия Никитична **Чебикинани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика халқ контроли органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг инспектори ўртоқ Рафин Абдуллович **Исмагиловни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

**Республика Фанлар академиясига қарашли «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида фан ва амалиёт алоқасини мустаҳкамлаш юзасидан катта иш олиб борилмоқда. Бирлашманинг бош илмий муассасаси — кибернетика институтининг иқтисодий таҳлил ҳамда илм-фанни бошқарув лабораториясида олиб борилаётган изланишлар айниқса самарали бўлмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда республика миқёсида фан ва техникани ривожлантиришни бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси устида иш олиб борилмоқда.**

**Суратда: лаборатория мудири Д. Аҳмедов.**

**В. Молгачев фотоси.**



# Чет элларда
ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

## АХДП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

КОБУЛ. Бу ерда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисда АХДП Марказий Комитети Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Б. Кармал сўзга чиқди. Маълумки, У КПСС XXVII съездида иштирок этган Афғонистон партия делегациясига бошчилик қилган эди. Б. Кармал КПСС ва Совет ҳукумати Афғонистонга нисбатан тутаётган принципиал ва одилона позицияни, ўз ватанининг суверенитети, территориал бутунлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган афғон халқига СССР кўрсатаётган ёрдамнинг қардошларча ва интернационал характерини уқтириб ўтди.

КПСС XXVII съездининг иш якунлари, деб таъкидлади афғон раҳбари, империализм кучларига қарши, жаҳонда тинчлик учун якдил бўлиб курашаётган жаҳон социалистик системаси, коммунистик ва ишчилар ҳаракати мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

(ТАСС).

## КУН ТАРТИБИДА—ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ

**● БРАЗЗАВИЛЬ**

**Бу ерда Конго хотин-қизлари революцион кенгашининг VI съезди очилди. Съезд қатнашчилари миллий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини кўриб чиқмоқдалар. Анжуман ишида Конгодаги барча областларнинг вакиллари, шунингдек Европа, Осиё, Африкадаги бир қанча мамлакатлар хотин-қизлар ташкилотларининг делегациялари, шу жумладан Совет Хотин-қизлари комитетининг делегацияси қатнашмоқдалар.**

(ТАСС).

# ПРОФЕССОР М. МАРУАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Биз КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг мактубимизга йўллаган жавобини зўр мамнуният билан кутиб олдик, деди ТАСС мухбири билан суҳбат «Ҳаёт халқаро институти»нинг асосчиси ва бош делегати профессор М. Маруа. Мазкур ташкилот илм-фанни Ер юзида ҳаётни сақлаб қолишга хизмат қилдириш йўлида жаҳондаги турли мамлакатлар олимларининг куч-ғайратларини бирлаштирмоқда.

Мен М. С. Горбачевнинг жавоби ҳақиқатан ҳам тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга воқеа, деб ҳисоблайман, деди французлик олим. Буюк мамлакатнинг шундай юқори лавозимдаги раҳбари бўлган киши зўр масъулият ва ваколат билан ҳаётни, хусусан, инсон ҳаётини энг олий бойлик деб эълон қилиш давримизнинг биринчи даражали вазифасидир, деб тўғридан тўғри айтди. У айни вақтда мазкур ҳақиқатни шунчаки тасдиқлабгина қолмай, мана шу юксак мақсадга эришиш учун конкрет чора-тадбирларни баён этиб берди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бизнинг ядро-космик асримизда бу масала янги мезон касб этиб, янги қирраларини намоён этди, деб таъкидлаганлиги, айниқса, қимматлидир. Жавобда «Бизнинг давримизда Ер юзида ҳаётнинг ўзини қутқариб қолиш учун ҳаётингни бағишласанг арзийди. Бундан муҳимроқ мақсад йўқ», деб уқтириб ўтилгани ҳам муҳимдир.

Совет раҳбарининг «Инсоният табиат билан тотув яшаши мумкин ва лозим, бироқ бунинг учун у ўзи билан ҳам тотув яшаши керак», деб айтган бошқа фикри ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир, деди Ҳаёт институтининг асосчиси. Биз илгари сурган «Ҳаётга хизмат қилаётган илм-фан» программамиз хусусидаги бошқа фикр ҳам ғоят тўғридир. Мазкур программадаги ғояларнинг чинакам ҳал этилиши СССР билан АҚШнинг, шунингдек, бутун инсониятнинг куч-ғайратлари бирлаштирилишини тақозо этади.

Ўзимизнинг бутун ҳаётимизни тадқиқотлар проблемаларига бағишлаётган биз, олимлар табиатнинг янги текширилмаган сирларини очар эканмиз, ҳозирги вақтда кашфиётлардан фойдаланиш тўғрисидаги масала илмий масала бўлибгина қолмай, айни вақтда сиёсий, ахлоқий масала ҳамдир. Илм-фан инсониятга вайронгарчилик келтириш учун эмас, балки уни равнақ топтиришга хизмат қилиши мумкин ва лозим. Қароргоҳи Женевада жойлашган Ҳаёт институтимиз бундан чорак асрдан кўпроқ вақт муқаддам ташкил этилган ва ҳозир жаҳондаги 60 мамлакатнинг 2600 дан кўпроқ олимини, шу жумладан, 50 дан ортиқ Нобель мукофоти лауреатини бирлаштирган нуфузли ташкилотга айланди. Бу олий ижоди инсон бўлган ҳаётни сақлаб қолиш проблемасига зўр эътибор берилаётганлигининг, мазкур проблема ҳаммани ташвишлантираётганлигининг далилидир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг жавоби бизга умид бағишлаб, Ҳаёт институти барча қатнашчиларини актив ҳаракатларга илҳомлантиради. Чинакам буюк давлат бўлган Совет Иттифоқининг институтимиз ташаббуси билан уюштириладиган бўлажак халқаро илмий конференцияда ишлаб чиқиладиган таклифларни кўриб чиқишга тайёр эканлиги биз учун, айниқса, қимматлидир, деб таъкидлади М. Маруа. Биз АҚШ президенти Р. Рейганга ҳам худди шу мазмундаги мактубни юбордик. Бироқ шу вақтгача жавоб олганимиз йўқ.

# ШОШИЛИНЧ ЧОРАЛАР

**● ЛИМА**

**Перу шимоли-шарқидаги Уануко департаментининг Санта-Мария-дель-Валье посёлкасига ёпирилган қаттиқ сел натижасида қирққа яқин киши нобуд бўлди, ўнлаб уй-жойлар ва бошқа бинолар вайрон бўлди. Посёлка аҳолиси ухлаб ётганда, кечаси соат 3 да ана шу фожиа рўй берди.**

**Тош аралаш лойқа оқим Уальяга дарёси ўзанини бўғиб қўйди ва кўпгина аҳоли пунктларини сув босди. Анд тоғларининг шимоли-шарқий районларида бир неча кундан бери тўхтамаётган жала Пуно, Уануко ва Укаяли департаментларида селнинг келишига, тоғ жинсларининг чўкишига, тошқинга сабаб бўлди.**

**Перу ҳукумати шу департаментларда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Маъмурлар табиий офат жабрдийдаларига ёрдам бериш юзасидан шошилинч чоралар кўрмоқдалар.** (ТАСС).

